ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ ОБРАЗНИНГ ВИЗУАЛЛАШУВИ

С.Д.Қуронов

Мақолада XX аср бошларидан кузатилган ўзбек шеъриятининг поэтик янгиланишидаги муҳим жиҳатлардан бири – бадиий образнинг визуаллашуви масаласи ёритилган. Мазкур бадиий-эстетик ҳодисанинг ички ва ташқи омиллари аниқланиб, бунда рангтасвир санъати ва шеърият ўртасидаги синтезлашувнинг аҳамияти кўрсатиб берилган.

***Калит сўзлар**: шеърият, поэтик образ, визуаллашув, бадиий синтез, рангтасвир санъати.*

В статье освещен важный аспект обновления узбекской поэзии в начале XX века, выражающийся в визуализации словесного художественного образа. Определены внешние и внутренние факторы данного художественно-эстетического явления, показана ведущая роль в этом синтеза между литературой и живописью.

***Ключевые слова**: поэзия, поэтический образ, визуализация, художественный синтез, живопись.*

The article highlights an important aspect of the renovation of the Uzbek poetry of the early twentieth century, expressed in verbal art image visualization. Identified by external and internal factors of the artistic and aesthetic phenomenon, it shows the leading role in this fusion between literature and painting.

***Key words:** poetry, poetic image, visualization, artistic synthesis, painting.*

Ўтган асрнинг 20-йиллари ўрталарида Чўлпон “Навоий, Лутфий, Байқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқиймен: бир хил, бир хил, бир хил! Кўнгул бошқа нарса – янгилик қидирадир”, деб ёзганди. Ўшанда Чўлпон даҳоси мумтоз адабиёт намуналарини камситишни кўзламай, балки, ўз замондошлари кайфиятига мос шеъриятни излаётган эди. Зеро, XX аср бошларида нафақат санъат турлари ичида, балки жамиятнинг турли соҳаларида жиддий ислоҳотлар жараёни кузатилаётган, бунда ёш шоир Чўлпон ҳам ўз ижод йўлини белгилаб олишга, санъат, хусусан, шеъриятдаги ислоҳот – янгиликларда фаол иштирокчи бўлишга уриниши табиий эди.

Замонавий шеъриятнинг янгилик аломатларидан бири унинг оммавийлашганида кўринади. Энди ижодкор муайян доира вакиллари учунгина эмас, кенг омма учун асар ёзаётганини ҳис қилиб турарди. Бу эса табиий равишда поэтик тил ва вазннинг соддалашишига олиб келади. Коммуникатив восита сифатида ҳам бадиий адабиёт асрлар давомида яшаб келган ғояларни, умумэстетик канон сифатида шаклланган кўнгил кечинмаларини эмас, балки мавжуд ижтимоий вазият ҳақидаги информацияни ташишга йўналтирилади. Лирик мушоҳада объектининг санъаткор кўнглидан чиқиб, воқеликка қаратилиши поэтик образнинг реаллик билан мустаҳкам боғланиши ва шундан келиб чиққан ҳолда визуаллашувига олиб келади. Албатта, янгиланган бадиий дид ва эҳтиёжга жавоб ўлароқ ҳаракатга келган бу жараён бошқа санъатларнинг ифодавий имкониятлари кўмагида, хусусан, шеърият ва тасвирий санъатнинг ўзаро бадиий синтези тарзида кечди.

Профессор Д.Қуронов ўтган аср аввалида шеъриятда кечган янгиланишларни шундай изоҳлайди: “Ҳамма гап XX аср бошлари Туркистон жамиятида шахс мақомининг ўзгаргани, инсоннинг ижтимоийлашганида. Содда қилиб айтсак, Туркистон кишиси жамиятнинг аҳволи, бугуни ва эртаси, мавжуд ҳолнинг сабаби – хуллас, сиёсат ҳақида бош қотирадиган бўлди” [2.191]. Ҳақиқатан ҳам, XX аср бошларида ўзбек шеъриятининг бадиий-ғоявий, шаклий жиҳатдан тубдан ўзгариб, ўзининг янги умрини бошлашга чоғлангани сабабларини, аввало, ижтимоий омиллардан қидириш керак бўлади. Зеро ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган кескин ўзгаришлар шу ижтимоийликнинг бир бўлаги – шоир шахсини четлаб ўтмайди. Энди унинг фаолияти ҳам умумижтимоий эҳтиёжларга мос тарзда кечиши, давр ўқувчисининг талабларини қондириши шарт эди.

Кенг ижтимоий-маданий ислоҳотлар асноси Туркистон аҳли учун ҳали таниш бўлмаган санъат турлари (театр, фотография ва ҳ.к)нинг кириб келиши илгаридан мавжуд санъат турларининг ифодавий-шаклий хусусиятларига таъсир этмай қўймади. Бундан ташқари, адабиётда янги турларнинг пайдо бўлиши, мавжудларининг ривожланиб, оммалашиши шеъриятнинг наср ҳам драматургия билан рақобатлашишига олиб келади. Демак, ўша давр шеърияти олдида, бир томондан, ифодавий-шаклий жиҳатдан янгиланиб улгурган тасвирий санъат, шунингдек, фотография ва оммалашиб бораётган театр санъати

(ташқи омил); иккинчи томондан, наср ва драматургияга хос ифода шаклларини ўзлаштириш (ички омил) орқали замонавий ўқувчининг эстетик эҳтиёжларини қондириш масаласи турарди:

Дейманки: "Бошқалар билмай қоладир –
Шундай гўзалликни! Аттанг, агар мен
Рассом бўлсам эди, чизиб берардим,
Ўхшаш нусха билан, ёзиб берардим,
Шу ожиз ҳолимда, шоирманми мен?.." [5.253]

Албатта, Чўлпон ўзининг биз парча олган "Мен шоирми?" шеърида шеъриятнинг рангтасвир билан синтези масаласига ишора этмаган бўлиши мумкин, лекин чин шоир сифатида бадиий синтез ҳодисасини интуитив тарзда ҳис қилгани аниқ. Зеро, юқорида таъкидлаб ўтганимиздай, шеърхон кўнгли янгилик истар, янгиланиш учун эса шеъриятга ички омилларнинг ўзи энди камлик қиларди. Эътиборли жиҳати, замонавий ўзбек насрининг асосчиларидан бири Абдулла Қодирий ҳам "Меҳробдан чаён" романида баъзан сўзнинг имконлари тасвирнинг тўлақонли чиқиши учун камлик қилишига ишора қилиб ўтади: "Аммо Раънонинг исми – жисмига ёхуд ҳуснига жуда мувофиқ тушкан эди. Мен рассом эмасман. Агар менда шу санъат бўлғанда эди, сўз билан билжираб ўлтурмас, шу ўрунда сизга Раънонинг расмини тортиб кўрсатар, қўяр, фақат менга раъно гулининг сувигина кўпроқ керак бўлар эди" [1.9]. Қодирий ҳам, худди Чўлпондай, сўзнинг тасвирий имкониятини бойитишда рангтасвир санъатига хос ифода унсурларидан фойдаланиш мумкинлигини ҳис қилади, шунга эҳтиёж сезади. Мазкур ҳол сўз восиатсида яратилувчи образнинг визуаллашуви объектив жараён, бу санъатнинг ижтимоийлашуви реалистик образни тақозо этиши билан боғлиқ деган хулосамизни яна бир бор тасдиқлайди. Зеро, идеалнинг "осмондан ерга тушиши" ижодкорни бирмунча абстракт, шартли образлардан воз кечишга ундайди:

Кезар эдим Туркистоннинг тоғларини,
Турли мева билан тўлган боғларини,
Кенг саҳросин, чўлистонин, сайрон эдуб
Тинглар эдим турк халқининг оҳларини [5.15].

Мазкур парча Чўлпоннинг илк машқларидан бири – "Умид" шеъридан олинган бўлиб, унинг 1914 йилда битилгани аҳамиятга молик. Шеърда Туркистоннинг оловқалб, ватанпарвар ўғлони кўнглидан кечган изтироблар муҳрланган. Ўша кезларда "*Мактаб ўрнига очилди ҳар маҳаллада майхона, Нафрат этмак нари турсин, шоду хандон бизни халқ*" [16] қабилидаги жўнгина мисраларни битиб юрган ёш шоирнинг ижтимоий дардни муайян тасвирий элементлар ососида ифодалашга уринишини фақатгина тажриба билан боғлаш нотўғри. Умуман, давр шеърияти учун лирик кечинманинг реалистик тасвир воситасида ифодаланиши янгилик эканини ҳисобга олсак, Чўлпон назми тажрибадан эмас, балки янгиликка интилиш важидан қувват олаётганига амин бўламиз.

Албатта, юқоридаги парчада ёркин тасвирийликдан кўра тавсифнинг устуворлиги сезилади. Яъни шоир манзарани мусаввирлардай деталлаштириб тасвирлашга уринмайди. Бу ўринда Чўлпон учун воқеликнинг конкрет замон ва маконда кечаётганига урғу беришгина муҳим бўлган. Шу маънода, шоир юртининг тоғлари, мевалари, саҳросию чўлларини санаб ўтиш билан чегараланади. Лекин ўқувчи хаёлида ўз кечинмалари билан сарсон юрган абстракт макондаги лирик қаҳрамон эмас, балки муайян замон ва маконда турган реал қиёфа гавдаланади. Айни дамда, ижодкорнинг ифодавий-бадиий мақсади ҳам шу – "реал қиёфа"дан ўзга нарса эмасди. Аниқ замон ва маконга мансуб шахс образини яратиш замонавий ўзбек шериятини мумтоз адабиёт намуналаридан фарқлаб туради.

Янги ўзбек шеърияти муаммоларини тадқиқ этган Улуғбек Ҳамдам XX аср аввалида шеърнинг интонацион қурилиши, поэтик ифода тарзи, субъектив ташкилланиши каби муҳим жиҳатларда кечган ўзгаришларни шундай изоҳлайди: "Янги инсоннинг қалб тебранишларини акс эттириш талаби шеъриятдан шунга мос ўзгаришларни – янгиланишни тақозо этди" [4.9]. Демак, мазкур ўзгаришларнинг ортида янги инсон – шахс мақомининг ўзгариши турар экан, мулоҳазаларимизда ўтган даврлар ижтимоий ҳаётида шахснинг ўрни, унинг мумтоз адабиётда экс этиши масалаларига тўхталиб ўтишни жоиз деб биламиз. Шарқ мумтоз адабиёти ва китоб графикаси бўйича изланишлар олиб борган санъатшунослар Е.Полякова ҳамда З.Раҳимовалар Шарқнинг чуқур фалсафий, юксак бадиий асарлари ортидаги муаллиф шахсиятини аниқлаш жудаям мушкул эканини таъкидлаб, "Бу давр ижодкорлари ўз шахсий кечинмаларини, давр кишилари ва ижтимоийликни ифодалашга уринмаган" [3.23], деб ёзадилар. Ҳақиқатан ҳам, мумтоз адабиёт намуналарида давр колоритини ифодаловчи омиллар: исмлар, рақамлар, географик номлар деярли учрамайди. Баъзан муаллиф ёзган асарига ўз имзосини қўйишни ҳам "унутади". Чунки бу давр эстетик қарашларининг бирламчи ҳақиқати сифатида дунёнинг фоний эканлигию санъаткор учун чинакам, ягона гўзаллик олам ва одамнинг ботини ҳисобланган. Айни шу омил мумтоз санъатлардаги шартлиликни юзага келтиради. Яъни ижодкор ўз асарида оламни унинг

ташқи кўринишлари билан ифодалашга уринмаган. Дейлик, ёр жамолини тасвирлашда унинг қиёфасига хос деталлардан эмас, давр эстетик категориялари асосида қабул қилинган шартли унсурлардан фойдаланилган. Худди шундай мумтоз миниатюрада ҳам тасвирийлик шартли бўлиб, мусаввир ифодада нарсанинг реал кўринишига монанд унсурларни қидирмайди: “Эстетик тасаввурлар Шарқда этикадан ажратилмас эди. Шарқнинг илғор мутафаккирлари наздида асосий гўзаллик маънавий гўзаллик <...> Ана шу каби тасаввурлар туфайли Шарқ санъатида инсон баданининг реалистик тасвирига қизиқишмаган” [3.70]. Зеро, Шарқнинг эстетик категориялари ва ижодкорнинг дунёқараши бадиий асардаги нореал ифодага уйғун эди. Аммо XX аср бошларида Чўлпон яратган лирик қаҳрамон туйғулари умумэстетик мезонлардагина яшамай, балки муайян давр ва маконга хос индивид шахсиятига сингдирилади. Ўз-ўзидан ижодкор қалбида ниш урган ижтимоий дардни ўқувчига юқтириш учун ифодада реалистик тасвирга суянади:

Кўм-кўк экан, сарғайдилар япроқлар
Оғриқ, мағлуб, тутқун Шарқнинг юзидек:
Бўронларнинг кўзлариким, ўйноқлар
Ғолиб ғарбнинг қонга тўлган кўзидек. [5.86]

Чўлпоннинг “Куз” номли шеъридан олинган парчага эътибор қаратинг. Шоир ижтимоий-сиёсий дардни шунчаки айтмоқчи эмас, аксинча, у воқеликни бадиий гавдалантиришга ҳаракат қилмоқда. Мазкур жараёнда муайян воқелик табиат ҳодисалари билан тенглаштириладики, ўқувчи кўз олдида яхлит ижтимоий вазият жонлана бошлайди. Аҳамиятлиси, давр қиёфаси визуал образлар воситасида яратилиб, шеърхон туюши мумкин бўлган ҳислар ҳам маънавий, ҳам бадиий жиҳатдан таъсирлироқ ифодаланади.

Умуман, Чўлпон шеъриятида ижтимоийликдан ҳоли бадиий тасвирни учратиш мушкул. Шоир ҳар қандай тасвир ортида муайян сиёсий-ижтимоий вазият, кайфият, мазмунни рамзлаштиришга уринади:

Яна қор! Оқ кафан ўралди яна,
Яна кўк қуйди ерга парларини.
Қарғанинг тиллари бурилди яна,
Яна қиш чорлади навкарларини.

Қоп-қора дев каби булут йиғини
Қоплаб олди яна қуёш юзини.
Ётқизиб ёз ботир енгиш туғини
Уйқудан очмади сира кўзини. [5.95]

Чўлпоннинг “Яна қор” номли шеъридан олинган парчада яққол тасвирийлик мавжуд. Аммо шоир мазкур асарида муайян ижтимоий кайфиятни қиш манзаралари билан пардалаб “яшириш”га урингани кўриниб турибди. Биргина оппоқ қорнинг кафанга, булутларнинг қоп-қора девга қиёсланиши манзарага салбий бўёқларни тортса, ортга қайтган қарғалар ва уйқудаги ёз образлари шоир назарда тутган ижтимоий ҳолатни, шу билан боғлиқ кафиятни рамзий ифодалайди. Демак, Чўлпон бу ўринда кечинмаларини шоирдек эмас, балки мусаввирдек изҳор этмоқда. Яъни у худди мусаввир каби ҳис-туйғуларини муайян тасвирий композицияда ифода этишга киришган. Бу каби тасвир ифодавий санъатларга хос эмас, албатта.

Чўлпон шеърида кузатганимиз поэтик ифодадаги мазкур янгилик эстетик нигоҳи бир қадар шаклланиб қолган ўқувчига мўлжалланган, унинг талаб-эҳтиёжларига мосдир. Зеро, юқорида таъкидлаб ўтганимиздай, ўтган аср аввалида рангтасвир, театр, фотография каби санъатлар жадал оммалашиб бораётган, кишиларнинг эстетик эҳтиёжи визуал санъатлар воситасида ҳам қондирилаётган ва шу билан боғлиқ ҳолда бадиий дидда ҳам мос ўзгаришлар содир бўлаётган эди.

Биз ушбу мақолада бадиий образнинг визуаллашувига сабаб бўлган асосий омилларни кўриб ўтишга ҳаракат қилдик. Шеъриятнинг тасвирий санъат билан ўзаро синтези асосида юзага келадиган визуал образларнинг бадиий-ифодавий хусусиятлари ҳақида батафсил тўхталишни эса кейинги тадқиқотларга қолдирамиз.

Адабиётлар:

1. Қодирий А. Меҳробдан чаён.– Т.: Адабиёт ва санъат, 1994.
2. Қуронов Д. Мутолаа ва идроқ машқлари. – Т.: Академнашр, 2013.
3. Полякова Е., Рахимова З. Миниатюра и литература Востока. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1987.
4. Ҳамдам У. Янги ўзбек шеърияти. – Т.: Адиб, 2012.
5. Чўлпон. Асарлар. I жилд. – Т.: Академнашр, 2013.

Андижон давлат университети,
2015 йил 4 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Й.Солижонов)